2012 йил 19 март, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55—56 (12.116—12.117)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Ўзининг илиқ қуёши ва оромбахш ҳавоси билан дилларга хуш ёқувчи Наврўз айёми жаннатмакон диёримизга ташриф буюрмоқда. Юртдошларимизнинг кайфиятларидаги кўтаринкилик ҳам баҳор фаслининг қалбларга қанчалар яқинлигидан далолат беради.***



«Ташаббус–2012»

## ЭНГ ИЛҒОР ТАДБИРКОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Айнан баҳор фаслида ўтказилиши анъанага айланган «Ташаббус–2012» танлови ҳам неча йиллардан бери мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшаётган тадбиркорлар ва миллий ҳунармандчилигимиз равнақини таъминлаб, бетакрор санъат асарлари билан ҳаммани ҳайратга солаётган уста ҳунармандларимизни эл-юртга танитишда, рағбатлантиришда, янгидан-янги изланишларга ундашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани қувонарлидир. Куни кеча бўлиб ўтган «Ташаббус–2012» кўрик-танловининг пойтахт босқичида ҳам шаҳримизнинг барча 11 та туманидан муносиб топилган энг илғор, ташаббускор ва ишбилармон тадбиркор ва ҳунармандлар қатнашиб, ўз бетакрор маҳоратларини намойиш этдилар.

Кейинги йилларда кўрик–танловни юқори савияда ва холислик асосида ўтказилиши борасида керакли чора-тадбирлар режаси тузилиб, у ўта талабчанлик билан амалга ошириб келинмоқда. Янги иш ўринлари ташкил қилишда фаоллик кўрсатган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини янада кўпайтиришга эришган, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларини оширишга муваффақ бўлган, барча солиқлар ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаган, шунингдек, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар кўрик асосида танловда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар ҳамда «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши ҳунарманди», «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди», «Йилнинг энг яхши аёл тадбиркори», «Ташаббус–2012» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштироки учун» номинациялари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

Ғалабага эришган тадбир иштирокчиларга «Ташаббус–2012» кўрик-танлови ташкилотчилари бўлмиш Тошкент шаҳар Савдо–саноат палатаси ҳамда бошқа ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Энг муҳими, эндиликда шаҳримизнинг энг илғор тадбиркор ва ҳунармандлари «Ташаббус — 2012» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

**Нигора БОЙХЎЖАЕВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Шу йилнинг 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди ва унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади.***

***Сессияда пойтахтимизда кейинги йилларда эришилган улкан ютуқлар қайд этилди, кўплаб муаммолар таҳлил қилиб берилди. Шу билан бирга, унда янада гўзал ва обод шаҳарга айлантириш билан боғлиқ йўналиш, режа ва лойиҳалар ўртага ташланди.***

***Юртбошимиз нутқи ҳамшаҳарларимиз қалби ва онгида Ватанга муҳаббат туйғусини жўш урдирди, юз бераётган жараёнларга дахлдорлик ҳиссини кучайтирди.***

Фахр

## ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД БЎЛАДИ



**Турсунхўжа ЭРГАШЕВ,**
**Олмазор туманидаги «Гузарбоши» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Эски шаҳар ҳудудида туғилиб, шу ерда ўсганман. Айтмоқчиманки, жонажон Тошкентимиз, хусусан, унинг Эски шаҳар қисмининг кўп йиллик тарихига тирик гувоҳман.

Мустақиллик йилларигача Эски шаҳарнинг катта қисмига табиий газ ўтказилмаган эди. Ҳар ой телефон қилиб, газ баллони чақиртиришинг керак эди. Телефон рақамига-ку ярим соат терганингда бир тушиб қолар эдинг. Ёзда Чуқурсойдаги кўмир омборига паспорт билан бориб, кўмирга навбатда турар эдик. 2 тоннадан ошиғига буюртма олинмас эди. Бу битта печкага аранг етар эди. Лекин ўзбекнинг хонадонида битта печка ёқилмайди-ку. Кузроққа бориб, яна бир марта олиб келиш керак бўлар эди. Тор кўчаларга бир машина кўмир киритишнинг ташвишини айтинг. Ёки кўмирни челаклаб киритиб олгандан кейин кўчани ювиб, тозалаб қўйишинг лозим бўларди. Бўлмаса, ҳамма ёқ, қўшниларингнинг деворларигача қоп-қора кўмир бўлиб кетади. Нечта қўшни шунинг орқасидан жанжаллашган ҳолатлар ҳам бўлиб турар эди.

Эски шаҳарда марказлашган канализация ҳам ўтказилмаган эди. Ичимлик суви қувурлари эскириб кетганидан сув шу қадар жилдиллаб оқар эдики, ярим соатда бир челак тўлмас эди...

Мустақиллик шарофати билан Эски шаҳар тубдан ўзгарди. Тор йўллар кенгайди, аҳоли турмуш даражаси ошди.

Юртбошимизнинг куни кеча Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларида Эски шаҳарни янада гўзал ва обод қилиш билан боғлиқ галдаги вазифалар тўғрисида айтган қимматли фикрлари барчамизни янада руҳлантирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини 2020 йилгача бўлган даврда ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича яқинда қабул қилинган Фармойишида икки муҳим масалани ечишга алоҳида эътибор қаратилган. Биринчиси шуки, бу ҳududдаги йўл-транспорт коммуникацияларининг ҳолати, тураржой даҳаларининг ичимлик суви, канализация, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланиш даражасини замон талаблари, шаҳарсозлик ва санитария меъёрларига нечоғли жавоб беришини ҳисобга олиш керак. Иккинчиси – реконструкция ишларини амалга оширишда миллий меъморчилигимизнинг ўзига хос хусусият ва анъаналарини, халқимиз маданий меросининг тимсоли бўлган, жаҳон тамаддуни равнақига катта ҳисса бўлиб қўшилган тарихий-меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш масаласи.

Бу иккиси ҳам ўта муҳим масала ҳисобланади. Бу аҳоли қалби ва онгида нимани шакллантиради? Ватанга муҳаббатни кучайтиради, одамлар ўзининг шундай қадимий анъаналарга эга, ота-бобосининг киндик қони тўкилган муқаддас маконда яшаётганидан, шарт-шароитлари эса барча замонавий талабларга жавоб беришидан мамнун бўлишига олиб келади. Бундай кайфият ҳар қандай кишини шу Ватан ва халқ учун жонфидолик билан хизмат қилишга ундайди.

**Масрурхон МУҲИДДИНОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти 1-босқич талабаси:**

— Мен Тошкентимизнинг мустақиллик йилларигагина гувоҳман. Шаҳримиз йил сайин, ой сайин ободонлашиб, янада кўркамлашиб бораётганини биламан. Лекин ўтган йигирма йил олдинги даврдаги аҳволидан бехабарман. Баъзан телевидение орқали берилаётган кинолар ёки кўрсатувларда шаҳримизнинг ўша даврдаги ҳолатини кўриб қолиб, ота-онам, бобо-бувимдан: «Ҳадра майдони ростдан ҳам шунақа аҳволда бўлганми? Чорсу бозори шунақа эдими? Шу Бешёғочми?» – деганга ўхшаган саволлар бераман.

Ҳар куни дарсга бораётганим ёки қайтаётганимда шаҳримизда амалга оширилаётган катта қурилиш-ободонлаштириш ишларини кўриб, қувониб кетаман. Кўз ўнгимизда катта ва кичик ҳалқа йўли тамоман янги манзара ва қулайлик пайдо қилди. Қанча кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилди. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонани ўз бағрига олган «Маърифат маркази», Эски шаҳардаги Ҳазрати Имом мажмуаси, Амир Темур хиёбони сўнгги икки-уч йилда пойтахтимиз кўркига янги кўрк қўшди.

Ўтган йили Навоий кўчасидаги катта бунёдкорлик ишлари бошланиб, ҳозир жуда ажойиб кўпқаватли уйлар қад ростлагани дилларни қувонтиради.

Таълим муассасаларига эътиборни эса алоҳида таъкидлаш керак.

Мен шундай замонавий талабларга жавоб берадиган кенг ва ёруғ аудиторияларда билим олаётганим билан фахрланаман.

**Абдурашид ота НАЖМИДДИНОВ,**
**Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳалла фаоли:**

Яратганга шукрки, турмуш ўртоғим билан умримизни бекор ўтказмадик, деб ўйлайман. Чунки олтита фарзандни ўстириб, оёққа қўйдик. Ҳаммалари бугун эл хизматида. Фарзандларимга:

— Ватанинг, яшаб турган шаҳринг, маҳалланг, кўчангнинг гўзал ва обод бўлишига ҳиссангни қўш. Она Ватанингни доимо севгин, дея тарбия берганмиз. Ва уларнинг ўгитимизга амал қилганликларидан хурсандмиз.

Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида Тошкентимиз таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бунинг шукронасини қилишимиз керак.

Президентимизнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқларини телевизордан диққат билан кўриб, эшитиб, қатъий бир хулосага келдим. Демак, бу ободонлик ўз-ўзидан бўлиб кетаётгани йўқ! Қаранг, аввалги даврда шаҳримиз умумий майдонининг 9 фоизинигина боғ ва хиёбонлар ташкил этган бўлса, ҳозир бу икки ярим барobardan зиёдроқ кўпайиб, умумий ҳудуднинг 23 фоизини ташкил этадиган бўлибди. Бу шаҳарнинг қарийб тўртдан бир қисми кўкаламзорлаштирилган, деган гап.

Бир туп райҳон экиб кўкартириш, унинг чиройи ва ҳидидан баҳраманд бўлиш учун ҳам кимдир жон куйдириб уни парваришлаши керак. Шунча катта майдонни кўкаламзорлаштириш учун эса қанча саъй-ҳаракат амалга оширилган.

Шу қишда невараларимни арчага олиб бориш баҳонасида яна бир бор Мустақиллик майдонини зиёрат қилдим. Бахтиёр она ҳайкали сари олиб борадиган йўлак бўйлаб ғоз турган бу арчаларнинг оппоқ қор бағрида ям-яшил бўлиб, кўзни қувонтириб туришини қаранг. Бу арчалар йил сайин бўй чўзиб, худдики мустақиллигимиз шарофати билан мамлакатимиз жаҳон саҳнида юксак чўққилар сари дадил одимлаб бораётганини эсимизга солиб тургандек. Илоҳим, Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Мамлакатимизда тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни кунларда Андижон вилоятида ҳам мазкур танловнинг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда. «Ташаббус – 2012» кўрик-танловининг Андижон туман босқичида 60 нафардан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди. Танлов доирасида иштирокчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган ва етиштирилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.**

**• Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида Мустаҳкам оила йилида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган вазифаларга бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.**

**• Молия муассасаси томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит эвазига Ангор туманидаги «Усто Раҳмон» хусусий корхонасида миллий ҳунармандчилик буюмлари ҳамда мебель жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди.**

**• Наманган вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан «Одам савдосига қарши курашишда жамоатчилик иштирокини кучайтириш» мавзуида брифинг ўтказилди. Унда ички ишлар идоралари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**• Чирчиқ шаҳридаги «Орзутекс» масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Бунинг учун корхонага «Ўзбек — Хитой» савдо уйи орқали 313,3 минг АҚШ долларлик замонавий дастгоҳ ва ускуналар келтирилиб ўрнатилди.**

**• Самарқандда 1995-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

**• Германияда бўлиб ўтган Президент сайловларида илк бор ҳеч қайси партияга мансуб бўлмаган номзод — 72 ёшли Иоахим Гаук ғолиб чиқди.**

**• Машҳур «Викилик» сайтининг асосчиси Ж.Ассанж Австралия сенати аъзолигига ўз номзодини қўйишини билдирди.**

**• Индонезияда Бали оролида бир нечта террорчилик ҳаракатини амалга оширишни кўзда тутаётган беш нафар террорчи қўлга олинди.**

**• Бельгияда бундан бир неча кун олдин Швейцария ҳудудида рўй берган автотўқнашув натижасида ҳаётдан кўз юмган 28 нафар автобус йўловчилари хотираси учун миллий мотам куни ўтказилди. Ушбу ҳалокат 22 та боланинг ҳаётига зомин бўлди.**

**• Германиянинг Lufthansa авиакомпанияси ўтган йилни катта зарар билан якунлади. Европадаги иккинчи энг йирик ҳисобланмиш мазкур авиакомпания кўрган зарар 13 миллион еврони ташкил этди.**

**• Номаълум кимсалар жорий йилнинг январь ойида сувга ғарқ бўлган ва саккиз метр чуқурликда қолиб кетган Costa Concordia кемасидаги қўнғироқни ўғирлашга муваффақ бўлдилар.**

## Ўлкамизда Наврўз нафаси

# ШУКУҲИ ЎЗГАЧА БАЙРАМ

***Диёримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда. Қут-барака, эзгулик, меҳр ва мурувват, одамийлик ва оқибат айёми — Наврўз байрамига мамлакатимизда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан олинган маълумотга кўра, Наврўзи олам тантаналари барча вилоятларда, шаҳару қишлоқларда шоду хуррамлик билан ўтказилади. Гўзал пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Ғафур Ғулом, Бобур, Абдулла Қодирий, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғларида байрам тадбирларини катта шодиёналик билан ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда.

Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино» мавзеси гузари, Юнусобод туманидаги «Сайилгоҳ» майдони, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри олди, Ҳамза тумани «Авиасозлар» маданият саройи, «Гулшан», «Боғишамол», «Сергели» маданият ва истироҳат боғларида ҳам айём тантаналари кенг нишонланади.

Байрамни кўтаринки кайфият, юқори савияда ўтказиш учун Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида махсус дастур ишлаб чиқилган. Ранг-баранг мусиқий дастурларда Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси, Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясининг ансамбль ва хонандалари, театр ва цирк санъати усталари жалб этилган.

— Наврўз байрамининг мазмун-моҳияти саховатли замин билан, деҳқону соҳибкорларимиз, чорвадору миришкорларимиз меҳнати билан, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ, — дейди Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Ҳиндол Мадраимов. — Тун ва куннинг тенглашиши, замон ва макон, умуман борлиқдаги ўзгаришлар инсон табиатида, унинг қалбида жўшқинлик, яратиш, янгиланишга бўлган мақсад ва истакни жўш урдиради. Наврўз айёми юртимизда халқимизнинг миллий байрамлари қаторида зўр шоду хуррамликлар билан нишонланади.

Ҳ. Мадраимовнинг таъкидлашича, айём арафасида турли халқ ўйинлари, сумалак сайиллари, лапару айтишувлар, айниқса ўлмас қадриятларимизни намойиш этишга кенг ўрин берилади. Ранг-баранг чиқишлари билан байрам базмига кўтаринкилик бахш этадиган фольклор ансамблларнинг концертлари қалбларга баҳорий илиқлик олиб киради.

Пойтахтдаги маданият ва истироҳат боғларида ташкил этиладиган катта шодиёналарда эл суйган санъаткорлар билан бирга, «Таманно», «Нодирабегим», «Манзур», «Ёшлик», «Дилрабо», «Жасорат», «Олтин водий» каби халқ ашула ва рақс жамоалари, «Наргиз», «Завқ», «Гўзал», «Баҳс», «Ҳавас» вокал-чолғу ансамбллари бадиий чиқишлари намойиш этилади. Шунингдек, тадбирларда ёшларнинг севимли ва ардоқли гуруҳлари, эстрада юлдузлари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, кино, театр ва спорт намояндалари ҳам иштирок этади.

Айни кунларда Вазирлар Маҳкамасининг «2012 йилги Наврўз умумхалқ байрамини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, барча вилоят ва шаҳарларда, айёмнинг асосий тантанаси ўтказиладиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Барча байрамлар ҳам азиз, барча байрамлар ҳам қадрли. Аммо Наврўзнинг соғинчи ва шукуҳи бўлакча. Яратганга шукрлар бўлсинки, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, фарзандларимиз соғ-саломат. Халқимизнинг орзулари мўл, тилаклари бисёр. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, атласларда ял-ял ёниб келаётган қиз-жувонлар, сочларига толбаргак таққан қизалоқлар, нигоҳлари осмонларда ҳаволанаётган варракларга боғланган болакайлар, белида белбоғи бор бўз йигитлар — барча-барча Наврўз сайлига ошиқади. Бу йилги Наврўз юртимизга қут-барака, халқимизга тинчлик, ёшларга янада кучлироқ шижоат ва ташаббус ато этсин.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**



# ҲАШАР БИЛАН ЯШНАР ОЛАМ

***Аввал маълум қилганимиздек, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан жорий йилнинг 17-18 март кунлари пойтахтимизда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтди.***

Ҳашар давомида корхона ва ташкилотлар ҳудудларида, истироҳат боғларида, маҳаллалар ҳудудларида, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофида, йўл ва йўлаклар, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, лотоклар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларида ҳамда бўш ётган ерларда кенг қамровли тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.





Ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ўтган ҳашар давомида 28 километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди, 169 та уй-жойлар таъмирланди, 353 туп манзарали, 750 туп мевали, 550 та гул кўчатлари экилди. Дарахтларга шакл берилди ва оқланди. Аҳоли томонидан тўпланган 172 тонна чиқинди махсус техникалар ёрдамида олиб кетилди.

— Ҳашар муносабати билан маҳалламиз аҳли бир тан, бир жон бўлиб аввало ўз-уй атрофларини тозалашга, уни обод ва кўркам қилишга киришди, — дейди Чилонзор туманида жойлашган «Дўмбиробод» маҳалласи раиси Комил Қаюмов. — Маҳалламиз асосан шахсий турар жойлардан иборат. Ҳашарда маҳалла фаоллари билан бир қаторда ёшларимиз ҳам фаол бўлишди. Бўш ерларга мевали дарахтлар экилди. Келинларимиз уй атрофларини чиннидай қилиб тозалашди. Хуллас, ҳашар ўзига хос маҳалла байрамига айланиб кетди.

— Ҳудудимизда асосан кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган, — дейди Юнусобод туманидаги «Мингўрик» маҳалласи фаоли Мавлуда Обидова. — Маҳалламиз аҳли ҳамжиҳат бўлиб, нафақат ўз уйлари атрофида, балки маҳалламизнинг барча ҳудудларида тозалаш ишларини олиб боришди. Ҳудудимизда жойлашган катта-кичик корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам четда туришмади.

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Бу жараёнда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда.***

Давлатимиз томонидан мазкур ташкилотлар ривожига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада барча зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли кучайиб бораётгани фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётир.

Пойтахтимизда 15 март – Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбатида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси А.Миразизов ва бошқалар мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши учун пухта қонунчилик базаси яратилганини таъкидладилар. Ҳозир юртимизда 5,8 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда, уларнинг 40 фоизи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси, 14,2 фоизи аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, экология масалалари, 32 фоизи бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 14 ҳудудий бирлашмаси, 195 туман ва шаҳар жамиятлари, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув муассасаларида 9 мингдан ортиқ таянч гуруҳлари фаолият юритмоқда. Улар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилиш билан бирга, фуқаролар муаммоларини ҳал қилишда яқиндан кўмаклашмоқда. 2011 йилда бу тизимга 9,5 мингга яқин мурожаат тушган бўлса, унинг 95 фоизга яқини истеъмолчилар фойдасига ҳал этилган.

Давра суҳбатида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада кучайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Таълим

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА ЭГА

***Тошкент Ислом университети ҳузурида фаолият кўрсатаётган академик лицей бундан ўн йил муқаддам ташкил этилган эди. Бу ерда толиби илмлар аниқ фанлар ва хорижий филология йўналишларида гуруҳларга бўлинган ҳолда таҳсил олишаётир.***

Ахборот-ресурс маркази эса замонавий ахборот технологиялари билан тўла таъминланган. Мазкур марказ электрон каталогидан ўқув қўлланмалари, турли йўналишдаги янги нашрларни топиш мумкин. Шунингдек, унда турли мультимедиа маҳсулотлари ҳам бор. Кўриниб турибдики, лицейда барча фанлар бўйича ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилмоқда. Маълумот ўрнида шуни ҳам қўшимча қилиш жоизки, бу ерда иккита компьютер синфи фаолият кўрсатмоқда. Улардан биттаси Жанубий Кореядан келтирилган.

Ўқувчиларга 1 ва 2-босқичда информатика курсидан сабоқ берилади. Бу босқичда улар информатика фани тарихи, ривожланиш босқичлари, амалиёт дастурлари, компьютер графикаси дастурлари, веб-дизайнлар яратиш бўйича билимга эга бўладилар. Учинчи босқичдан эса ахборот технологиялари фани бўйича билим олишни бошлашади.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЭКСПЕРТЛАР:

# РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

***Таниқли россиялик эксперт Леонид Папирин «Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келади» деган фикрни илгари сурмоқда. Польшада 2011 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган «Дунёнинг геосиёсий харитасида Марказий Осиёнинг ўрни» мавзуидаги семинарда мазкур эксперт Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳақида сўзлаб берди. 2005-2007 йилларда эксперт Роғун ГЭСи қурилишини асослаш учун муҳандислик-геологик қидирув ишлари материалларини батафсил ўрганиб чиққан эди. Қуйида унинг маърузасидан парчалар келтирилмоқда.***

Тадқиқотлар 1968-1978 йилларда ўтказилган бўлиб, мазкур муддат бундай мураккаб ва катта ҳажмдаги иш учун жуда камлик қилади. Олиб борилган тадқиқотларни ўша пайтдаги қурилишга оид нормалар, қоида ва йўриқномаларга асосланиб баҳолайдиган бўлсак, кўплаб масалалар ҳал этилмагани маълум бўлади.

Амалда ер усти геофизик ишлари мутлақо олиб борилмагани таажжуб уйғотади. Бу эса ўша даврда амал қилган йўриқномалар ва қоидаларга зид равишда геологик хариталаш ва ўпирилиш жараёнларини ўрганиш геофизика ишлари олиб борилмаган ҳолда олдиндан ўтказилганидан далолат беради.

Туз тошларини хариталаш ишлари бажарилмаган. Матнда асосий кўчкилар ҳисоб-китоби бажарилгани қайд этилган бўлса-да, бу иш қандай материаллар асосида ва ким томонидан бажарилгани аниқ кўрсатилмаган. Ушбу материалларни Роғун ГЭСи архивидан топишга уриниш кутилган натижани бермади.

Роғун ГЭСида биринчи даражали муаммолар сейсмик фаолликни ва туз тошларини ўрганишдан иборатдир. Тошларнинг чуқурликдаги таркиби геофизикавий тадқиқотлар ёрдамида ўрганилмаган. Сейсмик материалларнинг аксарияти 20-25 йил аввал ўтказилган эски тадқиқотларга асосланади. Улар эски сейсмостанциялар ёрдамида сийрак тармоқ орқали олинган. Бунда сейсмик жиҳатдан хавфли ҳудудлар координатасида 20-25 километргача хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Ушбу станциялар материалларига замонавий компьютер технологиялари орқали ишлов бериш мушкул. Роғун ГЭСи тўғони ўзининг баландлигига кўра (280-335 метр) ўта хавфли объектлар сирасига киради. Унинг биринчи тоифали (100 метр) тўғонлардан ҳам баландроқ бўлиши мўлжалланмоқда. Шу сабабли мазкур қурилиш ҳудудида дастлабки сейсмик фаолликни белгилаш, сейсмик таъсир параметрларини ҳисоб-китоб қилиш, сейсмик фаолликни районлаштириш ва микро сейсмик фаолликни районлаштириш ишларини инструментал сейсмик кузатув материаллари асосида тайёрлаш, айни вақтда турли кўламдаги геологик-тектоник, муҳандислик-геологик ва геофизикавий тадқиқотларнинг бутун бир комплексини тўла амалга ошириш тақозо этилади.

Ҳам эски, ҳам янги замонавий талаблар бўйича тўғонга туташ қияликларни батафсил ўрганиш, турли интенсивликдаги сейсмик таъсир пайтида қияликларнинг барқарорлигини ҳисоб-китоб қилиш керак. Шу сабабли янги ва замонавий тадқиқотларни ўтказиш ғоят зарур. Агар тақдим этилган ягона кесимга ишонадиган бўлсак, бу қияликдаги иккиламчи генерация кўчкиларининг ҳажми юз мингдан миллион кубометргача етиши мумкин. Иккиламчи генерация қатламларининг кўчиши Вахш дарёси ўзани тўсилиб қолишига ва бу ерда 40-80 метр баландликдаги тўғон пайдо бўлишига олиб келади. Lahmeyer International инжиниринг компанияси мутахассислари ана шундай хулосага келди. Яъни, иккиламчи кўчкилар ГЭСнинг сув остида қолиш хавфини келтириб чиқаради. Ҳозирги пайтда туннеллар тизимига ва ГЭСнинг асосий ер ости иншоотларига кириш Т-3 транспорт туннели орқали амалга оширилмоқда. Сув омборини тўлдириш ишлари бошлангач, бу туннель ёпиб қўйилади. Тўғонга барча қурилиш материаллари автотранспорт воситасида Пассимурхо сойининг юқори қисмидаги махсус йўл орқали ташилади. Бу йўл кўчки хавфи жуда юқори бўлган қияликдан ўтган. Сув омбори сувга тўла бошлагач, ўпирилиш жараёнлари кучаяди, йўл бузилади ва қурилиш ишлари тўхтаб қолади. Чунки Пассимурхо қияликларининг мустаҳкамлигини ўрганиш ва ҳисоб-китоб қилиш бўйича ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмаган.

Тўғон дарвозаларига яқин жойда, чап қирғоқдан Вахш дарёсига Обишўр сел ирмоғи қуйилади. 10-11 йилда бир марта у Вахш дарёсини тўсиб қўяди. Сўнгги марта бундай ҳолат 2009 йилнинг 19 майида рўй берган. Вахш ўзанида туз тошлари ҳажми 300 минг кубметрни ташкил этиб, улар қурилиш майдончаси доирасида сув сатҳининг олти метргача кўтарилишига олиб келган. Ёрдамчи қурилиш туннели бутунлай сув остида қолган. Бахтли тасодиф туфайлигина (сменалар алмашиш пайтида туннелда одамлар йўқ эди) қурбонлар бўлмади. Агар ана шундай тасодиф бўлмаганида қурбонлар сони Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган ҳалокат пайтидагидан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Яна бир эътиборга лойиқ жиҳат. Биринчи сел оқими Вахш ўзанини бутунлай тўсиб қўймаган эди. Аммо кейинги иккинчи оқим бу ерда пайдо бўлган тўғон баландлигини янада оширди. Агар тинимсиз ёққан ёғингарчиликлар учинчи сел оқимини ҳосил қилганида, мазкур тўғон баландлиги бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Гидрологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир марта келган сел оқимининг энг юқори ҳажми 3 миллион кубметргача етади. Бундай кучли сел оқими электростанцияда жиддий ҳалокатни келтириб чиқариши мумкин.

Техника фанлари номзоди В.Ф.Илюшиннинг «Роғун гидроузели қурилишидаги қурилиш туннели ҳалокати сабоқлари» мақоласида («Гидротехническое строительство» журнали, 2002 й., 4-сон) қурилиш туннелининг биринчи қавати 1990-1992 йилларда тўлиқ яроқсиз ҳолга тушиб қолгани ва бу ҳолатнинг сабаблари батафсил таҳлил қилинган. Умуман олганда, муаллифнинг фикрича, қурилиш ва тадқиқот ишларининг сурункали равишда етарли даражада молиялаштирилмаслиги 1992 йилдаги ҳалокатнинг асосий сабаби бўлган.

1993 йилда кучли сел оқими пайтида иккинчи туннель ва Вахш сувини қурилиш туннелларига буриб юборадиган сув тўсгичлар вайрон бўлган. Булардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ГЭСнинг бошқа узеллари ҳам авария ҳолатига тушиб қолган. Қурилиш ишлари иншоотларни консервация қилмаган ҳолда тўхтатиб қўйилган эди. Шу сабабли замонавий аппаратура ва ускуналар ёрдамида батафсил тадқиқот ишларини олиб бориш зарур. Шундан сўнггина янги техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқишга киришиш мумкин.

Ишчи лойиҳани тузишдан олдин тадқиқ қилиш зарур бўлган шунга ўхшаш яна ўнлаб долзарб муҳандислик-геологик муаммоларни санаб ўтиш мумкин. Туздан ҳимоялаш, қирғоқларнинг мустаҳкамлиги, сув омбори ҳудудига кирувчи Сурхоб дарёси ҳавзасида блокли қиялик кўчкилари шулар жумласидандир.

Жаҳон банки экспертиза ишларини ўтказиш учун 15 миллион доллар маблағ ажратди. Ажабланарлиси шундаки, бу ишларнинг буюртмачиси – Тожикистондир. Шу ўринда эслаш жоизки, Сарез кўлига оид муаммоларни тадқиқ қилишининг бош ҳомийси ҳам Жаҳон банки эди. Мураккаб Сарез тадқиқотларини ўтказиш учун Тожикистонда малакали мутахассислар йўқ. Бу ишларда қатнашган Швейцария фирмаси ҳам бундай мутахассисларга эга эмас. Бу ишларга фирма номидан асли касби қурувчи-муҳандис бўлган Патриз Дроз бошчилик қилган. Олти йил мобайнида олиб борилган ишлар Жаҳон банки лойиҳасининг тўлиқ инқирози билан якунланди. Маблағ сарфланган, аммо ҳеч қандай тадқиқот ўтказилмаган.

Ўйлайманки, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Роғун ГЭСи экспертизасини ўтказишнинг натижалари ҳам буюртмачиси тожик мутахассислари бўлган Сарез кўли ва бошқа объектларга оид тадқиқотлар натижалари каби самарасиз бўлади. Яъни, жиддий тадқиқотлар ўтказилмаган ҳолда эски лойиҳа қурилиш учун яна яроқли, деб топилади.

Яқинда (2011 йил 16 августда) Жаҳон банки Тожикистонга Роғун қурилишини бошлашни тавсия қилмаслиги хусусидаги хабарлар пайдо бўлди. Айни пайтда Жаҳон банкининг расмий сайтида (www.worldbank.org) мазкур банкнинг Роғун ГЭСи лойиҳаси бўйича баҳолаш тадқиқотлари ўтказилиши жараёнини кўриб чиқиш мақсадида Тожикистонда ўн кунлик хизмат сафарида бўлган мутахассислари жамоасининг пресс-релизи эълон қилинди. Пресс-релиз ва хабарнинг барча тафсилотларига тўхталиб ўтирмасдан, фақат бир жиҳатга эътиборингизни тортмоқчиман – қўшимча тадқиқотлар мижоз («Барки Тожик» электр компанияси) томонидан техник иқтисодий асослар бўйича маслаҳатчи (Coyne et Beltier/ атроф-муҳит бўйича мувофиқлаштирувчи марказ/ Парламентлараро ассамблея) кўрсатмалари ва назорати остида ўтказилади. Яъни, қўшимча тадқиқотлар тор кўламда ўз тадқиқот хизматига ва муҳандислик геофизикаси бўйича мутахассисларига эга бўлмаган мижоз томонидан бажарилади. Демак, тадқиқотларга нисбатан принципиал ёндашув ўзгармаган ва мен юқорида санаб ўтган геологик муаммолар ўрганилмаганича қолиб кетаверади. Шуни ҳам қайд этиш кераккки, Жаҳон банкининг юқорида қайд этилган жамоаси таркибида ҳам муҳандислик геофизикаси бўйича мутахассислар бўлмаган. Қўшимча тадқиқотлар олиб бориш, рўй бериш эҳтимоли юқори бўлган маҳаллий ҳалокатларни бартараф этиш учун харажатлар Роғун ГЭСи қийматини янада ошириб юборади. Сув иншооти қурилишининг умумий қиймати янада қимматлашиб, 7 миллиард АҚШ долларига етади. Лойиҳалаштирувчиларнинг хатолари ва малакасиз муҳандислик-геологик тадқиқотлар бу рақамни янада ошириши мумкин. Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келишини истисно қилиб бўлмайди.

**Sarez-lake.ru сайти**

***Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида «Мустаҳкам оила – жамият пойдевори» мавзуида онлайн мулоқот бўлиб ўтди. «Uzinfocom» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, экспертлар, маданият ва санъат арбоблари, журналистлар иштирок этди.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Мустақиллик йилларида оиланинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг иқтисодий-ижтимоий, маънавий, ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлод туғилиши ва вояга етишини таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётир. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бу йўналишдаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан мазкур Давлат дастурига мувофиқ «Оилам – муқаддас қўрғоним», «Моҳир қўллар», «Спортсеварлар оиласи», «Оила ва соғлом турмуш тарзи асослари», «Энг намунали ёш оила» каби қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Камолот» тизимидаги «Ёш оила» маркази ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларга ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Мустаҳкам оила – жамият пойдевори» мавзуида ўтказилаётган онлайн мулоқотлар ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Бундан кўзланган мақсад – ёшларнинг ҳуқуқий тафаккури, маънавий-маърифий савияси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш салоҳиятини оширишдир.

Иккинчи бор ўтказилган мулоқотда маданият ва санъат арбоблари ҳамда ёшлар ўртасида оиланинг инсон камолотидаги ўрни, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, ёшлар тарбиясига салбий таъсир этадиган иллатларнинг олдини олишда оила масъулияти, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда кино ва театр санъатининг ўрни каби мавзулар юзасидан савол-жавоб уюштирилди.

– Мамлакатимизда биз, ёшлар замон талаблари асосида таълим-тарбия олишимиз учун барча шарт-шароит яратилмоқда, – дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Шукрилло Авазов. – Айниқса, мактаб ва коллежларда асосий фанлар қаторида «Соғлом турмуш тарзи асослари», «Оила психологияси», «Оилашунослик» каби фанлар бўйича сабоқ берилаётгани ёш авлод камолотида муҳим омил бўлмоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Танловлар**

# БАЛЛИ, ҚИЗЛАР!

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-сонли академик лицейда ўқувчи-ёшлар иштирокида умумхалқ байрамлари, оммавий-маданий тадбирлар муносабати билан турли йўналишлар бўйича маънавий-маърифий анжуманлар ўтказиб келинади.***

Жумладан, яқинда лицейда «Балли, қизлар!» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ушбу танловда иштирок этувчи қизлар учун тадбир ташкилотчилари томонидан бир нечта гуруҳлар тузилди. Танлов давомида ҳар бир гуруҳ қизлари «таништирув», «пазандалик» каби бир нечта шартлар бўйича бор билим ва маҳоратларини намоён этдилар.

Лицей ўқитувчилари ва мураббийларидан иборат ҳайъат аъзолари томонидан тўрт босқичли кўрик-танловда энг юқори баҳо олган гуруҳ ғолиб деб топилди. Кўрикнинг ғолиб қизларига «Энг намунали гуруҳ» мақоми берилиб, улар лицей маъмуриятининг дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Ойноз ҒАНИЕВА,**
**Жаҳон тиллари университети қошидаги**
**3-сонли академик лицей ўқувчиси**

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**

# БИЛИМ ВА МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРДИЛАР

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари фаолиятини бундан-да ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг соҳа фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир.***



Ички ишлар тизимида профилактика хизматининг ташкил этилгани, милиция таянч пунктлари инфратузилмасининг замон талабларига мослаштирилаётгани маҳаллаларимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Профилактика инспекторлари нафақат жиноятчиликка қарши курашувчи, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаган йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда фаол иш олиб борувчи масъул ходим, шунингдек, юксак муомала маданиятига, намунали одоб-ахлоққа эга шахс сифатида ҳам намоён бўлиши лозим. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ҳар бир профилактика инспектори юксак профессионализм, ҳушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрната олиш хусусиятига эга бўлмоғи лозим».

Бу каби пурмаъно сўзларнинг ижросини таъминлаш, Ватан ичра кичик бир Ватан бўлмиш маҳаллада тинчлик-осойишталикни сақлашда профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғини раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари каби тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлиги тобора яхшиланаётгани ҳам маҳаллалар муҳитини соғломлаштиришда муҳим ўрин тутаётир.

Соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган 400 дан ортиқ профилактика инспекторлари учун бир ойлик малака ошириш курси ташкил этилди. Бунда тинчлигимиз посбонлари академия ҳарбий дала масканларида ўз билим ва маҳоратларини оширдилар. Курсларни битирув чоғида тантанали равишда профилактика инспекторларига сертификатлар топширилди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б.Матлюбов, Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи полковник Ш.Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга доимий эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига юкланган улкан масъулиятни сидқидилдан адо этиш соҳа ходимларидан фидойилик, билим, малака ҳамда маҳорат талаб қилади. Шу боис ҳам давлатимизда уларнинг билим ва малакасини ошириб бориш, жисмоний тайёргарлигини янада яхшилаш, қолаверса, тинчлигимиз посбонлари бўлмиш профилактика инспекторларининг ўзаро дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш, бирдамлашиб фаолият юритишлари масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, куч – ҳамиша бирликда, бирдамликда.

**Ж. РАҲИМОВ**
**Абу Кенжаев олган сурат**

# ҚУЛАЙ ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТ

***Тошкент Ахборот технологиялари университети талабалари томонидан тайёрланган бир қатор дастурий маҳсулотлар мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда. Олий ўқув юртининг иқтисод ва бошқарув факультети «Почта хизматини автоматлаштириш» кафедраси талабаларининг бу йўналишдаги изланишлари ҳам муҳим янгилик бўлди.***

Ушбу дастур почта хизматида жўнатмаларни рўйхатга олиш ва керакли манзилга етказиб бериш тизимини ўз ичига олади.

Бунда жўнатмаларни қабул қилиш ва етказиб беришда оператор иши анча енгиллашади.

Гап шундаки, керакли барча ахборотлар маълумотлар базасида тўпланади. Бу дастурнинг яна бир афзаллиги шундаки, у керакли ҳужжатлар квитанциялари эътиборида бўлади.

«Тошкент почтамти» филиали ва бошқа почта корхоналарида шунга ўхшаш тизимлар ўрнатилган. Лекин уларнинг ҳаммаси махсус ўрнатиладиган дастурлардир. Янги дастур эса веб-сайт шаклида тайёрланди. Шу боис бу тизимда маълумотлар базасини доимий янгилаб бориш имконияти осонроқ. Тизимга киритилаётган маълумотлар оператор компьютерида сақланмайди, ҳаммаси веб-базада тўпланади.

Бу ҳолат почтада иш самарадорлигини ошириб, жўнатмаларни ўз вақтида етказиб боришни таъминлайди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Енгил таксида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчилар диққатига!**

*2012 йилнинг 28 март куни «Тошкент» телерадиоканалининг кечки дастурларида тўғридан-тўғри эфирга узатиладиган «Қабул куни» лойиҳаси асосидаги кўрсатув орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги «Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сонли қарорининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида мутасадди ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирокида кўрсатув бўлиб ўтади.*

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича қуйидаги телефонга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси**

**тел.: 233-52-23**

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**I. Аукцион савдоларига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан,** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 23 сентябрдаги 26/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Чехов кўчаси, 21-уй, 136-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 88,40 кв.м. бўлган уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 146 000 000 сўм.**

**II. Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан,** Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2011 йил 30 майдаги ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Жарариқ мавзеси, 39-уй, 81-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 97,17 кв.м. бўлган, 4 та яшаш хонасидан иборат уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 6 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 4 апрель куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001 расмий сайтимиз www.1kms.uz

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият.**

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва турар жой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкиллаштиришда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

**«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ**
**Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.**

***Юртимизда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. «Таълим тўғрисидаги» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури баркамол авлодни вояга етказиш, етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши ва жамиятда ўз соҳаси бўйича иш билан таъминланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.***

**Ўқув муассасаларида**

# ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Яқинда Учтепа туманидаги Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежида бўлиб ўтган «Мутахассислик ва мутахассислар» мавзуидаги тадбир ҳам, коллеж битирувчиларининг иш билан таъминланишига бағишланди. Унда шаҳримизда фаолият олиб бораётган кўплаб корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари, ота-оналар ва битирувчи курс ўқувчилари иштирок этди.

Корхоналар мутасаддилари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан жонли мулоқотда бўлиб, ўзлари фаолият олиб бораётган корхоналари ҳақида тўлиқ маълумот бериш билан бирга, ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлаш, яратилган шарт-шароит ва қулайликлар, ойлик маошлари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

— Бугунги кунда ёшларнинг ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишиши, халқаро андозалар асосида юксак даражада билим олиши ва келажакда ўз соҳасининг етук мутахассиси сифатида хизмат қилиши учун мамлакатимиздаги ўқув муассасаларида барча шароитлар етарли, — дейди Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи директори Очил Ярашев. — Бизнинг ўқув даргоҳимизни битирган ва битираётган ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳеч қандай муаммолар йўқ. Аксинча, шаҳримизда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар ўз иш ўринларини таклиф қилмоқдалар. Юртбошимиз томонидан истиқболи порлоқ ёшларимизнинг бахтли ва фаровон ҳаёти, мустаҳкам пойдеворли келажаги учун шундай имкониятлар яратилаётган экан, ёшларимиз бундан унумли фойдаланишлари лозим. Бунинг учун улардан биргина нарса, яъни қунт билан ўқиш, ўрганиш, ўз мутахассислигини етарли даражада эгаллаб, комил инсонлар бўлиб етишиш талаб этилади. Мазкур тадбир эса, уларга яна бир дастуруламал йўлланма, ўз соҳасини эгаллаши учун қулай имконият эшигидир.

Тадбирда Учтепа туман ҳокимлиги мутасаддилари, «18-автобус саройи» акционерлик жамияти вакиллари, банк ходимлари ва бошқа турли-туман корхоналарнинг мутахассис ходимлари сўзга чиқиб, ёшларни иш билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларга берилаётган имтиёзлар, тартиб ва қоидалар, энг асосийси эса, уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишлари борасида олдиларида турган вазифалар хусусида фикр юритдилар.

Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежида бугунги кунда тўққиз йўналишдаги бўлимлар фаолият олиб боради. Унда 6 нафар фан номзодлари, 35 нафар бош, 24 та катта ўқитувчилар, 18 та етакчи ва олти нафар илмий тадқиқотчилар фаолият юритадилар, 1320 ўринли ўқув биносида лаборатория, чилангарлик, техник хизмат кўрсатиш ва пайвандлаш хоналари мавжуд.

Шунингдек, 2 та аудио ва видео хоналари, 400 ўринли маданият саройи, 20 мингдан ортиқ ўқув адабиётларига эга ахборот-ресурс маркази, 200 ўринли ошхона, 200 ўринли барча қулайликларга эга ўқувчилар турар жойлари мавжуд.

Иккита компьютер, иккита лингафон хоналари, комбайн ва автомобилларнинг макет хоналари, очиқ ва ёпиқ спорт мажмуалари ҳам ўқувчилар ихтиёрида. Жорий йилда 507 нафар ўқувчилар ўқув муассасасини битириб, ўз соҳалари бўйича касбга йўналтирилади.

Ҳа, бугунги кунда ёшларимизнинг келажакда етук мутахассислар бўлиб етишишида давлатимиз томонидан кенг кўламли қулайлик ва шароитлар яратилмоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган тадбир эса, давлатимизнинг ёшларга бўлган эътиборининг кичик бир кўринишидир

Тадбир доирасида коллеж фаолиятига бағишланган кўргазма ҳам ташкил қилинди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**





# КЎРГАЗМАДА — САРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

***Миллий санъат марказида таниқли ўзбек мусаввири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом Ҳикмат Жалиловнинг «Ранг-баранг ҳиссиётлар» номли шахсий кўргазмаси очилди.***

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «IJOD» Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси томонидан ташкил этилган кўргазмада рассомнинг олтмишдан зиёд ижодий асарлари намойиш этилмоқда.

Ҳикмат Жалиловнинг асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида ва кўплаб хусусий тўпламларда сақланмоқда. Рассом тасвирий санъатнинг турли жанрларда, яъни портрет, натюрморт, пейзаж йўналишларида кўплаб композициялар яратган.

Ҳикмат Жалилов 1956 йил Тошкент шаҳрида туғилган. 1978 йилда Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини (ҳозирда университет), 1987 йилда ҳозирги Камолиддин Беҳзод номидаги миллий дизайн ва рассомчилик институтининг станокли рассомчилик йўналишини муваффақиятли тугатган. М. Набиев, А. Қўзибоев, Р. Аҳмедов, В. Ковинин сингари мутахассислардан тасвирий санъатнинг ўзига хос сир-асрорларини ўрганган. Машаққатли меҳнати, соҳадаги жонбозлиги ва ажойиб ижодий асарлари учун рассом 2001 йилда Ўзбекистон Бадиий академиясининг кумуш медали билан тақдирланган. У «IJOD» Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмасининг фаол аъзоси.

— Жонажон юртимизнинг асрий қадриятлари, мингйиллик тарихга гувоҳ анъана ва урф-одатларини, самимий ва очиқ кўнгил ўзбек халқининг турмуш тарзини қаламга олиш менга завқ бағишлайди, — дейди рассом Ҳ.Жалилов. — Санъатим тақозоси билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, уларнинг ҳам тарихий қадамжоларини зиёрат қилдим. Лекин ўзимизнинг шариф шаҳар Бухоро, азим Самарқанд, кўҳна Хива ва боқий Тошкент гўшалари гўзаллигини, нафосату тароватини ҳеч бир ўлкада кўрмадим. Менинг ижодимда ўзбек рассоми, пейзаж устаси Ўрол Тансиқбоевнинг асарлари муҳим ўринга эга. Сабаби, устознинг атрофдаги оламга шоирона нигоҳ билан қараши, ранг-баранг ҳиссиётлардан бир янгилик кашф этиб, уни баралла сўзлата олиши менга ҳам илҳом, ҳам куч бағишлайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Ҳикмат Жалилов бугунги кунда ёшларга тасвирий санъатнинг ўзига хос сирларини ўргатмоқда. Ижодкорнинг шогирдлари кўплаб нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этаётир.

1996, 2001 ва 2006 йилларда пойтахтимизда рассомнинг шахсий кўргазмалари ўтказилган. 2009 йилда Ҳикмат Жалилов асарлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмаги билан Бахтиёр Назаров, Дилором Мамедова, Анвар Мирсагатов ва бошқа таниқли рассомлар санъат намуналари қаторида Пекиндаги «Олти мамлакатнинг замонавий рассомлари асарлари» халқаро кўргазмасида иштирок этган.

Кўргазма 16 апрелга қадар давом этади.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

## Спорт янгиликлари

# ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

***«Жар» стадионида Лондон шаҳрида жорий йилнинг ёзида уюштириладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига саралаш турнирининг учинчи босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон — БАА олимпия терма жамоалари футболчилари ўртасида сўнгги тур учрашуви бўлиб ўтди.***

Учрашув тафсилотига қисқача тўхталишдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, ушбу баҳс ҳамюртларимиз учун ҳам, араблар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сабаби «В» гуруҳида БАА олимпия терма жамоаси 11 очко билан биринчи ўринда, Вадим Абрамов шогирдлари саккиз очко билан иккинчи ўринда боришаётганди. Дарвоқе, ушбу учрашувдаги ҳар қандай ҳисобдаги ғалаба футболчиларимизнинг ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишларини таъминлар эди. Шу боис ҳам мутахассислару мухлислар ўзбекистонлик футболчиларнинг ғалабасига шубҳа қилишмаётган эди.

Учрашув, айтиш лозимки, футболчиларимизнинг ҳужумлари билан бошланди. Биринчи бўлим олимпиячиларимизнинг устунлигида ўтди. Ҳамюртларимиз томонидан араблар дарвозаси томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бу 34-дақиқада ўз самарасини берди. Олег Зотеев жамоадошлари бошлаган ҳужумни самарали якунлади — 1:0.

Иккинчи бўлим ҳам футболчиларимизнинг ҳужумлари билан бошланди. 47-дақиқада Фозил Мусаев рақиб дарвозасига иккинчи голни киритди. Бироқ, орадан уч дақиқа ўтар-ўтмай қарши ҳужумда Аҳмад Ҳалил Санжар Қувватов дарвозасини аниқ нишонга олиб ҳисобнинг 2:1 бўлишини таъминлади. Ана шу ўтказиб юборилган гол олимпиячиларимиз руҳиятини тушириб юборди. Чунки футболчиларимиз ўйинида эсанкираш ҳолатлари, пала-партишлик юзага келди. Бундан унумли фойдаланган Аҳмад Ҳалил Қувватов қўриқлаётган дарвозани иккинчи бор аниқ нишонга олди. 2:2.

Учрашувнинг қолган дақиқаларида гарчи олимпиячиларимиз ҳужумни кучайтиришга интилган бўлсаларда рақиб дарвозасига бошқа гол кирита олишмади, аксинча Хабуш Солиҳ яна бир карра Қувватовни хато қилишга мажбур этди.

Шундай қилиб беллашув 2:3 ҳисобида БАА олимпия терма жамоаси ғалабаси билан якунланди ва араблар Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритишди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мағлубиятга учраган бўлсада, «Лондон-2012» йўлланмаси учун курашиш имкониятини сақлаб қолди. Яъни 25-29 март кунлари Вьетнамда футбол бўйича Олимпиада ўйинларига саралаш турнири гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллаган олимпия терма жамоалари ўртасида плей-офф мусобақаси уюштирилади. Унда Ўзбекистон, Уммон, Сурия олимпия терма жамоалари ўзаро баҳслашишади. Ушбу турнирда биринчи ўринни эгаллаган жамоа 23 апрелда Англиянинг Ковентри шаҳрида ташкиллаштириладиган Африка қитъаси вакили Сенегал олимпия терма жамоасига қарши қитъалараро плей-офф баҳсида майдонга тушади.

# ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

***Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида дзюдо бўйича спорт клублари ўртасидаги анъанавий турнир якунланди. Унда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 300 нафарга яқин талаба-ёшлар иштирок этди.***

Мазкур мусобақа Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган дзюдони мамлакатимиз ёшлари ўртасида янада оммалаштириш ҳамда шу йилнинг май ойида Қашқадарё вилояти мезбонлик қиладиган мамлакатимиз чемпионатига иқтидорли полвонларни саралаб олишга хизмат қилади.

Жавлон Тоғаев, Нодир Остонақулов, Холбек Мардонов ва Темур Тожибоев сингари спортчилар ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабалари биринчи, «Динамо» спорт клуби вакиллари иккинчи, «Сағбон» спорт клуби полвонлари учинчи ўринни эгаллади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

***Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА томонидан дунё мамлакатлари аёллар терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.***

Унга кўра Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 41-поғонадан жой эгаллади. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси янги рейтинг якунларига кўра МДҲ давлатлари орасида тўртинчи, Осиёда эса саккизинчи поғонада бормоқда. Аввалги рейтинг жадвалида аёллар терма жамоамиз 40-поғонада қайд этилган эди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# БАҲОРИЙ АМАЛЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

- Эрта баҳорда кўзларимизни қувнатиб чиққан жағ-жағ, отқулоқ, ялпиз, баргизуб, гулқоқи, йўнғиқча, газанда ўт, исмалоқ ва бошқа кўкатларни истеъмол қилиш организмга тўла куч-қувват ва дармон бўлади.
- Ошкўклардан кўкпиёз, барра саримсоқ, кашнич, петрушка, шивит, райҳон, жамбил ва бошқалардан турли-туман таомлар, чучвара, манти, сомса, суюқ овқатлар тайёрлаб истеъмол қилинса танангиз учун кони фойда бўлади. Бу кўкатлар қонни, ички аъзоларни тозалаб, зарур озуқалар билан таъминлайди.
- Турли хил дон маҳсулотлари — буғдой, арпани ўстириб, улардан ҳар хил салатлар тайёрлаб истеъмол қилиш тавсия этилади.
- Янаги баҳоргача бир қанча касалликлардан фориғ бўлиш мақсадида қонни тозалаш ва юзларни тиниқлаштириш учун токнинг дастлабки баргларига қийма солиб, шафтолининг тўкилган гулларидан чучвара тугиб, тановул қилинг.
- Қишин-ёзин кўкат, мева-сабзавот, сут ва сут маҳсулотларига бепарво бўлмаслик дармон қуришининг олдини олади.

**Назокат ЖАЛИЛОВА**
**тайёрлади**

«01»

# ТАРҒИБОТ — МУҲИМ МАСАЛА

***Ҳар биримиз турли фалокатларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд хавф-хатар ҳамда унинг келиб чиқиш омиллари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишимиз муҳимдир.***

Шу мақсадда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш биз, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий вазифаларимиздан бири саналади.

Ёнғинларнинг келиб чиқишига кишиларнинг бепарволиги асосий омил бўлаётгани, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб кулга айланаётганлигини фуқароларимизга мисоллар ёрдамида тушунтириб берамиз.

Аҳоли турар жойларда ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Бола барибир бола-да, қаровсиз қолса, у ўзича гугурт ўйнаши, электр асбобларини ишлатиб кўриши мумкин. Шу сабабли ота-оналар фарзандларига ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди. Токи мурғак болалар беҳудага ногирон бўлиб қолмасин, мажруҳга айланмасин.

Шунингдек, корхона-ташкилотлар биноларида ҳам фуқароларнинг эҳтиётсизлиги натижасида тез-тез ёнғин ҳолатлари учрамоқдаки, бу ҳол баъзида жуда катта йўқотишларга сабаб бўлмоқда. Мазкур кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида биз ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари барча юртдошларимизни эҳтиёткорликка, огоҳликка чорлаб қоламиз.

**Т.МАДУМАРОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ХЁХО**
**24-ХЁХК 8 а/п бошлиғи, майор**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

# ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

## ТЎРТЛИКЛАР

**Оғриққан дилим-а, турткидан толди,**
**Севди-ю, ўзимдан балога қолди.**
**Вафосиз малакнинг васлини истаб,**
**Кўзимдан ҳар тонгда**
**минглаб гул олди.**

* * *

**Қошнинг маломати қабоққа тушар,**
**Кўзнинг маломати қабоққа тушар.**
**Дунё ўзи ғалат, азал-азалдан**
**Ора йўлда қолган мудом қонқақшар.**

* * *

**Ўй суриб ҳар йўлнинг пойига етдинг,**
**Одамзот етмаган жойига етдинг.**
**Бир чўпни жойидан**
**сурмай неча йил,**
**Ўй суриб, ўй суриб зоега кетдинг.**

* * *

**Қаноат қондаги қадрдан дарак,**
**Саодат жондаги сабрдан дарак.**
**Иккисин икки ён отган одам-чун**
**Тириклай кирилган қабрдан дарак.**

* * *

**Ой тунга меҳмондир, қуёш**
**ҳам кунга,**
**Ким ростга асирдир,**
**кимлар афсунга.**
**Бахт излаб дунёни кезган кўп, вале,**
**Рўбарў келмадим бағри бутунга.**

* * *

**Йўқни йўндирганга**
**раҳмат дейдилар,**
**Йўқдан ундирганга**
**лаънат дейдилар.**
**Насиба болдир у ва ёки заҳар,**
**Қандоқ олган бўлса**
**шундай ейдилар.**

* * *

**Отанг дуосини олиб кўр такрор,**
**Онанг олқишига бўлгин сазовор.**
**Улар у дунёга рихлат қилса ҳам**
**Ҳамроҳинг бўлгайдир,**
**бил, Парвардигор.**

* * *

**Ҳикмат ҳам самодан тўкилмас асли,**
**Ҳикмат бу Худонинг сўздаги васли.**
**Магар ўқиганин уқиб яшаркан,**
**Аслини англагай одамзот насли.**

* * *

**Нафсинг ҳар лаҳзада**
**маломат қилур,**
**Сабринг етказганга қаноат қилур.**
**Иймон вужудингда бир бутун бўлса,**
**Йўқнинг шукрига ҳам ибодат қилур.**

* * *

**Худо умринг берса яшаш яхшидир,**
**Ризқинг ҳалол топсанг**
**ошаш яхшидир.**
**Эзгулик умиди йўлга чорласа,**
**Минг йиқил, бошқатдан**
**бошлаш яхшидир.**

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ТОИР**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3 даража совуқ, кундузи — 5-7 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

## Азиз ҳамшаҳарлар!

Қадриятларимизни улугловчи ва тараннум этувчи Наврўз байрами барчангизга муборак бўлсин!

Мустаҳкам оила йилида дилингизга тугиб қўйган барча орзу ниятларингизнинг рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ КОММУНАЛ ФОЙДАЛАНИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

## «18-АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ ЖАМОАСИ



юртдошларимизни эзгулик, меҳр-мурувват, нафосат ва гўзаллик айёми

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади. Хонадонингиздан меҳру оқибат, файзу барака аримасин.
Барча орзу ниятларингиз рўёбга чиқишига тилакдошмиз!



## ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

Сиз азизларни яшариш, покланиш, нафосат ва эзгулик байрами

# НАВРЎЗ АЙЁМИ ҲАМДА МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ БИЛАН

муборакбод этади.
Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга тўкинлик, юртимизга фаровонлик ва осойишталик тилаймиз!

## НАВРЎЗ — БУ БАҲОР БАЙРАМИ, ТАБИАТНИНГ УЙҒОНИШИ.

Тилагимиз, ушбу гўзал байрам қалбингизга илиқлик олиб кирсин. Келажакка умидла боқувчи кўнгилларимиз янада яшнаб, орзуларимиз амалга ошсин.

Мустаҳкам оила, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин азиз ҳамшаҳарлар, қадрли пойтахтимиз меҳмонлари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

## «ИФФАТЛИ КЕЛИН» ЎҚУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

саховатли халқимиз ҳамда бағри кенг пойтахтимиз меҳмонларини яшариш ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан чин дилдан муборакбод этади.



Юртимизга тинчлик, хонадонларимизга осойишталик, халқимизга соғлиқ-омонлик, ёшларимизга бахту иқбол ёр бўлсин. Хайру саховат, меҳр-оқибат сингари эзгу фазилатлар ҳеч биримизни тарк этмасин.

"ИФФАТЛИ КЕЛИН" ЎҚУВ МАРКАЗИ — НОЗИКТАЪБ САНАМЛАР ОРЗУ-ҲАВАСИ!

## «Хоразм шакар»

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ барча юртдошларимизни нафосат ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам билан самимий қутлайди.

*Хонадонингизга оилавий бахт, соф муҳаббат, тинчлик-хотиржамлик ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Жаннатмакон ўлкамиз бундан-да порлоқ, оилаларимиз янада мустаҳкам бўлсин!*

«ХОРАЗМ ШАКАР» МАҲСУЛОТЛАРИ ДАСТУРХОНИНГИЗ КЎРКИ, ТАОМЛАРИНГИЗ СИФАТИ ГАРОВИДИР!

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

## «DEKS» МЧЖ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини энг шукуҳли байрамларимиздан бири Наврўз айёми билан муборакбод этади.



Megamix®
excellent solutions

Оилавий хотиржамлик, хонадонларимиздаги файз-барака аримасин, мусаффо осмонимиз абадий бўлсин!

ОРЗУИНГИЗДАГИ МУСТАҲКАМ УЙНИ "DEKS" БИЛАН ҚУРИНГ

махсулотлар сертификатланган

## "КАМЕЛИЯ" ГУЛЛАР ДЎКОНИ

ўлкамизга ҳусну тароватини ёйиб кириб келган фасллар келинчаги баҳорнинг гўзал айёми

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН

барча ҳамшаҳарларимизни муборакбод этади.
Ушбу улуғ байрам оилаларга бахт-саодат, саломатлик, омад ва тўкинлик, қут-барака келтирсин.

# «4-АВТОБУС САРОЙИ» ОАЖ ЖАМОАСИ

Ҳамшаҳарларимиз ва соҳа ходимларини баҳор, бахт, шодлик байрами —

## Наврўзи олам

билан табриклайди. Дастурхонингиз файз-баракага тўлиқ бўлсин. Ҳамма ўйлаган эзгу тилакларингиз ижобат бўлишига тилакдошмиз!



**“Маҳалла”** хайрия жамоат фонди
Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви жамоаси

*шаҳримиз аҳолиси ва пойтахтимиз меҳмонларини янгиланиш рамзи ҳисобланмиш* **Наврўз** *байрами билан чин дилдан табриклайди.*



**Мустаҳкам оила йилида Ватан ичра кичик бир Ватан бўлган маҳаллаларимиз бундан-да обод, хонадонларимиз осойишта, тинч-тотув бўлсин.**

**ЭЗГУЛИК АЙЁМИ НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!**

***Давлат алоқа инспекцияси жамоаси***

Ўзбекистон халқини баҳор ва яшариш байрами

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин юракдан табриклайди!

Умумхалқ байрами арафасида сизларга эзгулик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака, бахт-саодат, бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар тилайди! Байрамингиз муборак, азиз юртдошлар!

Алоқа соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ва почта алоқаси корхоналари томонидан турли тўловларни амалга оширишда ўрнатилган тартибнинг бузилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўйилганда шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача (тушлик соат 13.00 дан 14.00 гача) Давлат алоқа инспекциясининг 237-01-11 рақамли ҳамда Тошкент шаҳар бўйича 236-01-11 рақамли, Тошкент вилояти бўйича 235-01-11 рақамли “Ишонч телефони”ларига қўнғироқ қилинг.
**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Себзор даҳаси, Марказ 17/18, 240-АТС. E-mail: sanktsiva@gis.uz**
**Web-site www.gis.uz**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**

**Сизларни бетакрор баҳор гўзаллиги ила юртимизга ташриф буюраётган Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этамиз.**
**Тинчлик ва ободлик рамзи — Наврўзи олам муносабати билан барчангизга куч-ғайрат, шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

**«Ўзметмашсаноат» касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси**

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

*Уйғониш фаслида руҳий тетиклик ва қалбларга қувонч бахш этувчи Наврўзи олам шодиёналари билан барчангизни қутлаймиз.*

*Мустаҳкам оила йилида дилингизга тугиб қўйган барча ниятларингизнинг ижобат бўлишига тилакдошмиз!*

**«Тошкент нон» уюшмаси жамоаси**

IPOTEKA BANK

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ИПОТЕКА» БАНКИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан
самимий қутлайди.

Диёримизга кириб келаётган Наврўзи олам Ватанимиз
равнақи, фарзандларимиз камоли, оилалар
фаровонлигини янада юксалтирсин!

Улкан бунёдкорлик, ҳаётимиз осойишталиги,
оилавий баркамолликка эришиш йўлида
барчамизни янги зафарларга чорласин!

DKG
Deutsche Kabel AG Taschkent
Research & Production of Steel Wire & Cable

«Дойче Кабель АГ Тошкент»
Ўзбекистон-Германия
қўшма корхонаси жамоаси

барча ҳамюртларимизни гўзаллик ва
нафосат, мурувват ва саховат
рамзи бўлган, халқимизнинг қадимий
урф-одатлари ва қадриятларини ўз
ичига қамраб олган ҳамда уларни
авлоддан-авлодга етказиб келаётган
— НАВРЎЗ айёми билан чин
қалбдан табриклайди!

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5